



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**  
**QARSHI MUHANDISLIK-IQTISODIYOT INSTITUTI**  
**IQTISODIYOT FAKULTETI**  
**“BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT”**  
**KAFEDRASI**

**“HIMOYAGA TAVSIYA ETILADI”**  
“Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrası  
mudiri [signature] i.f.n. dots. O. Xushmuradov  
“19” 06 2013 yil

**“TASDIQLAYMAN”**  
“Iqtisodiyot” fakulteti dekani  
i.f.d. prof. A.F.Xurramov  
“20” 06 2013 yil

5340900-“Buxgalteriya hisobi va audit” yo‘nalishi kunduzgi bo‘limi  
IV kurs B-41 guruh talabasi Ashurov Eldor Jumanazarovichning  
“Bozor sharoitida mol yetkazib beruvchilar va xaridorlar bilan  
hisoblashishlarning hisobini takomillashtirish.  
(Qarshi shahar Spartak xususiy ishlab chiqarish korxonasi misolida)  
mavzusidagi

**BITIRUV MALAKAVIY**  
**ISHI**

**BAJARDI:** “BH va A” ta‘lim yo‘nalishi  
bitiruvchi IV kurs B-41 guruh  
talabasi [signature] Ashurov Eldor  
Jumanazarovich

“BH va A” kafedrası  
[signature] dots. Egamberdiyeva S.R.

**“BH va AUDIT” KAFEDRASI**  
“17” 06 2013  
No 16  
**ILMIY RAHBAR:**

Bitiruv malakaviy ishi kafedrada dastlabki himoyadan o‘tdi

15 sonli bayonnoma “17” 06 2013 y.  
Qarshi – 2013 yil

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти «Иқтисодиёт» факультети 5340900-  
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши 4 курс Б-41 гуруҳ талабаси Ашуров  
Элдор Жуманазаровичнинг битирув малакавий ишига

### Т А Қ Р И З

**Битирув малакавий иш мавзуси** Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини такомиллаштириш (Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)

**Битирув малакавий ишининг ҳажми :** 94

**а) ёзма изоҳ қисми: варақлар сони:** 84

**б) график қисми: чизмалар сони:** 10

**Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириқга мослиги:**

Мамлакатимизда мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар жараёнида асосий омил бухгалтерия ҳисоби етказиб бераётган аниқ ва тўғри маълумотлар ҳисобланади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисобининг амалдаги тизими кўп жиҳатдан маълумотларни ўз вақтида олиш имконини бермайди. Бу албатта ҳисоблашувлар жараёнига салбий таъсирини кўрсатади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби жараёнида кўплаб ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги, мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб борилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. БМИ берилган топшириқга тўлиқ мос келади.

**Битирув малакавий ишининг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати:** мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир бухгалтерия ёзувлари ва корхонанинг мол етказиб берувчилар билан муомалаларини таҳлилига оид жадваллар келтирилган.

**Битирув малакавий ишида илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги:**

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентимиз қарор ва фармонлари, Президент нутқлари ва асарларидан, Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг 2010-2012 йиллардаги маълумотларидан самарали фойдаланилган. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир молиявий ҳисоб, Бошқарув ҳисоби, молиявий ва бошқарув таҳлили ва аудит фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий журналлар ва монографиялардан, Ўзбекистоннинг 2011-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларидан ва Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, «Бозор, пул ва кредит» журнали, «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, «Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби» журналларининг 2011-2013 йиллардаги нашр маълумотларидан фойдаланилган.

Жадваллар компьютерда замонавий дастурлар ва усуллар воситасида ишланган.

**Битирув малакавий ишининг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти:** Талаба томонидан битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар келгусида ишлаб чиқаришга жорий қилинса, хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисоблашишларнинг ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш жараёнларини сифати янада ошади.

**Малакавий ишидаги камчиликлар:** Ишда корхонанинг маълумотлари бошқа корхоналар маълумотлари билан таққосланса иш янада мукаммаллашган бўлар эди. Ушбу камчилик ишнинг илмий салоҳиятига салбий таъсир этмайди.

**Битирув малакавий ишининг баҳоси (максимал балл-100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса.**

Иш 70 баллга баҳоланди. Битирувчи талаба Ашуров Элдор Жуманазаровичга «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши ва ишни ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Тақризчи:



ҚМИИ «Иқтисодиёт» кафедраси  
доценти Ш.Ш. Файзиева

**Қариши муҳандислик иқтисодийёт институти «Иқтисодийёт» факультети 5340900-  
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши 4 курс Б-41 гуруҳ талабаси Ашуров  
Элдор Жуманазаровичнинг битирув малакавий ишига**

**ТА ҚРИЗ**

**Битирув малакавий иш мавзуси** Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини такомиллаштириши (Қариши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)

**Битирув малакавий ишининг ҳажми :** 94

**а) ёзма изоҳ қисми: варақлар сони:** 84

**б) график қисми: чизмалар сони:** 10

Бозор иқтисодийёти шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар жараёнида асосий омил бухгалтерия ҳисоби етказиб бераётган аниқ ва тўғри маълумотлар ҳисобланади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисобининг амалдаги тизими кўп жиҳатдан маълумотларни ўз вақтида олиши имконини бермайди. Бу албатта ҳисоблашувлар жараёнига салбий таъсирини кўрсатади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби жараёнида кўплаб ечимини қутаётган муаммоларнинг мавжудлиги, мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб борилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради. БМИ берилган топшириққа тўлиқ мос келади.

**Битирув малакавий ишининг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати:** мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир бухгалтерия ёзувлари ва корхонанинг мол етказиб берувчилар билан муомалаларини таҳлиliga оид жадваллар келтирилган.

**Битирув малакавий ишида илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги:** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентимиз қарор ва фармонлари, Президент нутқлар ва асарларидан, Қариши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг 2010-2012 йиллардаги маълумотларидан самарали фойдаланилган. мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир молиявий ҳисоб, Бошқарув ҳисоби, молиявий ва бошқарув таҳлили ва аудит фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий журналлар ва монографиялардан Ўзбекистоннинг 2011-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларидан ва Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, Бозор, пул ва кредит» журнали, «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, «Солиқ солиши ва бухгалтерия ҳисоби» журналларининг 2011-2013 йиллардаги нашр маълумотларидан фойдаланилган.

Жадваллар компютерда замонавий дастурлар ва усуллар воситасида ишланган.

**Битирув малакавий ишининг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти** Ашуров Элдор томонидан битирув малакавий ишини бажаришида ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар келгусида ишлаб чиқаришига жорий қилинса, хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини ташкил этиши ва уни юритиш жараёнларини сифати янада ошади.

**Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал балл-100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса** Иш 70 баллга баҳоланди. Битирувчи талаба Ашуров Элдор Жуманазаровичга «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши ва ишни ҳимояга тавсия этиши мумкин.

**Битирув малакавий иши раҳбари:**

**ҚМИИ «БХ ва А» кафедраси  
доценти Эгамбердиева С.Р.**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**“БХ ва А” кафедраси мудири**  
*Ушмурадов*  
**доц. О. Хушмурадов**  
**«26» 12 2012 йил**

**Талаба** Ашуров Элдор Жуманазарович

**1.Битирув малакавий ишининг мавзуси:** Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини такомиллаштириш (Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)

**2. Битирув малакавий иши олди амалиёти ўтилган жой:** Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси

**3.Битирув малакавий иши раҳбари:** ҚМИИ “БХ ваА” кафедраси доценти Эгамбердиева С.Р.

**4.Битирув малакавий иши мақсади:** бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини назарий, услубий ҳамда ташкилий асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**5.Иш режаси:**

| <b>БМИ бўлими</b> | <b>Битирув малакавий иши бўлими номи</b>                                                                                                   | <b>Бажариш муддати</b>         |
|-------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|
| <b>КИРИШ</b>      | КИРИШ                                                                                                                                      | 25-27.12.2012й                 |
| <b>I-БОБ</b>      | Бозор шароитида ҳисоблашув муомалалари ҳисобининг мазмуни, назарий асослари ва вазифалари.                                                 | 28.12.2012 й.-<br>15.01.2013й. |
| <b>II-БОБ</b>     | Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини ташкил этилиши | 16.01.2013й.-<br>16.03.2013й.  |
| <b>III-БОБ</b>    | Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш.                                | 17.03.2013й.-<br>17.05.2013й.  |
|                   | <b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b>                                                                                                                 | 18.05.2013й.-<br>5.06.2013й.   |
|                   | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати                                                                                                           | 6.06.2013йй.<br>10.06.2013й    |

**6. Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар:**

**а) адабиёт манбалари:** мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир молиявий ҳисоб, Бошқарув ҳисоби, молиявий ва бошқарув таҳлили ва аудит фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий журналлар ва монографиялардан фойдаланиш.

**б) қонуний меъёрий ҳужжатлар** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президентимиз қарор ва фармонлари, Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг 2010-2012 йиллардаги маълумотларидан фойдаланиш.

**в) статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари:**

1.Ўзбекистоннинг 2011-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари.

2.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 2011-2013 йиллар

3.«Бозор, пул ва кредит» журнали 2011-2013 йиллар

4.«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2011-2013 йиллар

5. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали 2011-2013 йиллар

**7. Тасвирлаш материаллари:** мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир бухгалтерия проводкалари, корхона фаолиятини таҳлилига доир жадваллар, расмлар ва диаграммалар ишлаб чиқиш

**8.Топшириқ берилган кун: 26 12 2012**

**9. Ишни топшириш муддати 10 06 2013**

**10.Илмий раҳбар хулосаси:** *Битирув малакавий ишига*  
*қилинган таъбир* *Э.Ашуров* *С.Р. Эгамбердиева*

## **Мундарижа**

### **Кириш**

#### **I боб. Бозор шароитида ҳисоблашув муомалалари ҳисобининг мазмуни, назарий асослари ва вазифалари.**

1.1.Бозор шароитида ҳисоблашув муомалаларининг моҳияти, уларнинг турлари.

1.2.Хусусий ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисоблашув муомалалари ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва улар ҳисобининг олдига қўйилган вазифалар.

#### **II боб. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини ташкил этилиши**

2.1. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш.

2.2. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг таҳлили.

#### **III боб. Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш.**

### **Хулоса ва таклифлар.**

### **Фойдаланилган адабиётлар .**

### **Иловалар.**

## **Кириш**

**Мавзунинг долзарблиги.** Хизматлар соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз эътибори марказида бўлиб келмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек “Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан фоизга тушди.

Кичик бизнес соҳасида олиб борилган изчил ташкилий, ҳуқуқий – меъёрий, иқтисодий тадбирлар соҳани жадал ривожлантириш учун кучли рағбатлантириш ва қўллаб – қувватлаш омилларини яратиб берди.

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришларига ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

Мамлакатимизда чиқарилаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар ҳамда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида тадбиркорлик фаолиятининг инсон омили шаклланишига таъсири ҳақидаги ғоялар янада чуқурлаштирилади ва бу фаолиятни иқтисодий ўсишда, инқирознинг иқтисодий айниқса, ижтимоий оқибатларини тугатишда “... аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида унинг ролига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига оид қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ваколатларини сезиларли даражада кенгайтди. Дарҳақиқат кичик бизнеснинг иш ўринларини ташкил этишдаги, аҳоли турмуш даражасини ўстиришдаги, жамиятдаги мулкдорлар ижтимоий табақасини шакллантиришдаги иштироки ошиб бормоқда. Кичик бизнес соҳасида олиб борилган изчил ташкилий, ҳуқуқий – меъёрий, иқтисодий тадбирлар соҳани жадал авж олиши учун кучли рағбатлантириш ва қўллаб – қувватлаш омилларини яратиб берди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора – тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллион янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.”<sup>1</sup>.

Кичик бизнес иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини яхшилашга бевосита хизмат қилади. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш банк соҳаси, хизмат ва сервис соҳаларини ўстириш орқали узоқ муддатли ва бир – бири билан бевосита боғлиқ кенг қўламдаги чора – тадбирларни амалга оширишда соҳанинг янада тараққий этишини таъминлайди.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 –йилда 970 мингдан ортиқ янги ишни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда”.<sup>2</sup>

Мамлакатимизда мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар жараёнида асосий омил бухгалтерия ҳисоби етказиб бераётган аниқ ва тўғри маълумотлар ҳисобланади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисобининг амалдаги тизими кўп жиҳатдан маълумотларни ўз вақтида олиш имконини бермайди. Бу албатта ҳисоблашувлар жараёнига салбий таъсирини кўрсатади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби жараёнида кўплаб ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги, мазкур мавзуда илмий Битирув малакий иши ишларини олиб борилмаганлиги танланган мавзунини долзарблилигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов Бош мақсадимиз–кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012–йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013–йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ № 13 (5687).

<sup>2</sup> Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2011йил 22 январ. 3-бет.

**Битирув малакий ишининг мақсади** бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини назарий, услубий ҳамда ташкилий асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакий ишининг вазифалари.** Битирув малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди :

- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг олдида қўйилган вазифаларни ўрганиш;
- мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир муомалаларнинг туркумларини ва уларнинг мазмун ҳамда моҳиятини тадқиқ қилиш;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этилишини ўрганиш;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ходимлар билан турли ҳисоблашув муомалаларининг таҳлил қилиш асосида ўрганилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аудити натижаларини ўрганиш ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасидаги таклифларни асослаш;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг ҳисобини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг таҳлили ва аудитини такомиллаштириш юзасидан тавсияларни асослаш.

**Мавзунинг илмий аҳамияти** шундан иборатки, битирув малакавий ишида хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифлардан республикамизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш ва замонавийлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, битирув малакавий ишининг кўпгина назарий қоидаларини олий ўқув юртлари ва коллежларда Бухгалтерия ҳисоби фанларини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

**Битирув малакий ишининг амалий аҳамияти** унинг асосий натижаларини хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини юритиш, уларнинг молиявий ҳисобот шакллари таҳлили ва аудитини ташкил этиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, Битирув малакий иши натижалари хусусий ишлаб чиқариш корхонасида молиявий ҳисобот моддаларини баҳолаш, улар ҳисоби ва ҳисоботини соддалаштириш ва молиявий ҳисоботда жорий давр бўйича ах-

боротларни тўлиқ акс эттиришни таъминлайди.

**Битирув малакий ишининг илмий янгиликлари.** Илмий янгиликларни ташкил этувчи энг муҳим хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг олдида қўйилган вазифалар ўрганилди;
- мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир муомалаларнинг туркумларини ва уларнинг мазмун ҳамда моҳиятини тадқиқ қилинди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этилиши ўрганилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ходимлар билан турли ҳисоблашув муомалаларининг таҳлил қилиш асосида ўрганилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аудити натижаларини ўрганиш ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар асосланди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг ҳисобини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг таҳлили ва аудитини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар асосланди.

**Битирув малакий иши предмети** бўлиб мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Илмий изланишлар жараёнида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашувлар ҳисобини ҳозирги ҳолатини мукамал ўрганиш мақсадида **Битирув малакий иши объекти** Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг маълумотлари асос қилиб олинди.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакий иши кириш, мазмунан узвий боғланган учта боб, хулосалар, ----та жадвал, ---та расм, адабиётлар рўйхати ҳамда ----та иловаларни мужассамлаштирган ----бетлик матнни ташкил этади.

## **I боб. Бозор шароитида ҳисоблашув муомалалари ҳисобининг мазмуни, назарий асослари ва вазифалари.**

### **1.1.Бозор шароитида ҳисоблашув муомалаларининг моҳияти, уларнинг турлари.**

Корхоналар бошқа юридик шахслар, давлат назорат органлари ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китобларини асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширади. Маблагларни бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар дейилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 1995 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисида"ги 60-сонли йўриқномага асосан олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- корхона, ташкилотлар ўз пул маблагларини (ўз маблаглари ва қарз маблаглари )банкда сақлашлари лозим;
- барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк орқали ўтиши керак;
- хўжалик органлари ҳисоб-китоблар шакллари эркинтанлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;
- хўжалик органларининг ҳисоб-китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банк аралашмаслиги керак;
- товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади;
- тўловлар хўжалик органларининг ҳисобрақамидаги маблаглари ҳисобидан, баъзида банк кредити ҳисобидан амалга ошириши мумкин;
- тўлов қондаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;
- мол етказиб берувчининг ҳисоб рақамига пул маблагларини ўтказиш мазкур маблагларнинг мол сотиб олувчининг ҳисобрақамидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади.

Банк муассасасида ҳисоб-китоб счётини очиш учун корхона қуйидагиларни тақдим қилиши лозим:

- ҳисобварақни очиш ҳақида ариза (0401025-шакл) (уни корхона раҳбари имзолаши шарт);
- корхонанинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида ҳужжат;
- корхонанинг нотариус тасдиқлаган устави нусхаси;
- имзолар намуналари ва муҳр нусхаси туширилган, нотариус тасдиқлаган варақча (0401026-шакл);
- корхонани тузиш ҳақидаги таъсис шартнома (муассиснинг қарори, таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори) нусхаси;
- солиқ органида рўйхатдан ўтганлиги ва идентификациялашган солиқ тўловчи номери берилганлиги тўғрисида нотариусда тасдиқланган

гувоҳнома кўчирмаси ёки шахс солиқ тўловчи субъект эмаслиги тўғрисида маълумот.

Корхонанинг ҳисобварагида олинган материаллар, асосий воситалар учун мол юборувчига тўланмалари, бюджетдан, ижтимоий сугуртадан бўлган қарзни тўлаш, иш ҳақи бериш учун кассага олинган пул ва бошқа заруриятлар учун тўланган пул маблағлари акс эттирилади. Одатда, банк томонидан ҳар қандай пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш корхона ёки ҳисобварақни тасарруф этувчининг буйруғи ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Лекин банк қуйидаги ҳолларда корхона розилигини олмай бошқа ташкилотларнинг ҳужжатлари бўйича унинг ҳисоб-китоб счётидан пулни мажбурий ўтказиб беради:

- молия ва солиқ органларининг буйруғи бўйича тўланмаган солиқ ва йигимлар, шунингдек, улар бўйича жарима ва боқимандалар суммасини;
- қондирилган даъволар суммасини
- ижро варақлари, хўжалик судининг буйруғи бўйича;
- кредитдан фойдаланганлиги учун фоиз суммасини;

банк томонидан кўрсатилган хизматлар суммасини. Ҳисоб-китоб счёти бўйича барча муомалалар ҳисоб-китоб счётининг эгаси розилиги билан белгиланган шаклдаги тўлов (банк) ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

**Тўлов шакллари** деганда, одатда, ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, кредитор ҳисобига маблағларни ўтказиш усули, ҳисоб-китоб ҳужжати тури ва ҳужжатлар айланиш тартиби билан фарқланувчи нақд пулсиз тўловлар шартлари кўзда тutilади.

Корхоналар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар:

- тўлов топшириқномалари;
- **чеклар**;
- аккредитивлар;
- тижорат банклари векселлари;
- тўлов талабнома-топшириқномалари;
- тўлов талабномалари;
- инкассо топшириқномалари;
- режали тўловлар воситасида амалга оширилади. Маблағларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги тўловлар шакли шартнома (келишув) билан белгиланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган стандартлар талабларига мувофиқ келиши ва ҳисоб-китоб ҳужжати номи, ҳисоб-китоб ҳужжати рақами, унинг ёзилган куни, ойи, йилини ўз ичига олиш керак. Кун рақамларда, ой сўз билан, йил рақамлар билан кўрсатилади, ҳисоблаш машиналарида тўлдириладиган тўлов ҳужжатларида ой рақамларида кўрсатилиши мумкин, тўловчи банкининг рақами, тўловчи банкининг номи кўрсатилади, тўловчи банкининг номи ўрнига ҳужжат матнида унинг фирма белгиси; тўловчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; маблағ олувчининг номланиши, унинг банкдаги ҳисоб рақами; олувчи банкининг номланиши (*чекда кўрсатилмайди*), маблағ олувчи банкнинг рақами кўрсатилиши мумкин. Тўловчи ва маблағ олувчи номининг банклар ва мижозлар ишини қийинлаштирмайдиган оқилона қисқартирилишига йўл

кўйилади, тўлов мақсади кўрсатилади {чекда кўрсатилмаган}. Банк пул бериш, нақд пулсиз ўтказишлар, баъзи ҳолларда ҳисобга ёзишлари ҳам махсус шаклдаги ҳужжатлар бўйича амалга оширилади, уларга раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекиб, корхона муҳри билан тасдиқланади. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган айрим ҳолларда банк пул маблағларини корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан инкассо йўли билан мажбурий тарзда ўчиради. Бундан ташқари, банк ссудаларидан фойдаланганлик учун фоизлар, тўлаш муддати ўтган ссудалар бўйича суммалар, банк хизматлари қиймати сингари ва ҳоказо пул суммаларини ўзининг хоҳишига қараб ҳисобдан ўчиради. Бунда банк пулларни ҳисоб-китоб счётидан ўчириш, шу жумладан пулларни бюджетга ўтказиш ва кассага иш ҳақи учун беришни унга тегишли ҳужжатлар келиб тушгандагидек кетма-кетликда амалга оширади. Корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларда улар ўртасида кўзда тутилган тўлов шаклига боғлиқ ҳолда ҳужжатлар қўлланади. Агар шартномада корхонанинг ўзи қарзини мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва турли ташкилотларга ўтказиши кўзда тутилган бўлса, тўлов топшириқномаси ёзилади. **Тўлов топшириқномаси** корхонанинг ўзига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварагидан муайян суммани бошқа корхонанинг ва шу банкдаги ёки ана шу шаҳарда ёхуд бошқа шаҳарда жойлашган банк муассасасидаги счётига ўтказиш тугрисидаги топшириғи ҳисобланади. Бунда тўловчи банкка белгиланган шаклдаги бланкда топшириқнома тақдим этади. Топшириқномалар ёзилган кундан бошлаб 10 кун давомида амал қилади (ёзилган кун ҳисобга кирмайди). Томонларнинг келишувига кўра топшириқномаларга асосланган тўловлар муддатли, муддатдан олдин ва муддати узайтирилган бўлиши мумкин. Муддатли тўлов қуйидаги вариантларда амалга оширилади:

- бўнак тўлови, яъни товарларни юклаб жўнатиш ёки хизматлар кўрсатишдан олдин;
- товар юклаб жўнатилганидан сўнг, яъни товарни тўғридан-тўғри акцептлаш йўли билан;
- йирик битимларда қисман туловлар.

Муддатидан олдин ва муддати узайтирилган тўловлар шартномавий муносабатлар доирасида, томонларнинг молиявий мавқеига зарар келтирмасдан амалга оширилиши мумкин. Олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун топшириқномалар банк томонидан улар тақдим этилган кунда ҳисоб-китоб счётида маблағлар бўлганда ёки банк ссудаси ҳисобига имконияти мавжуд бўлгандагина қабул қилинади.

Тўлов топшириқномалари банкларда (0401002) тузилади, битта банк муассасаси хизмат кўрсатадиган учта ва ундан ортиқ олувчига ўтказилганда эса банкларда йигма тўлов топшириқномалари (0401003) тузилади. Маблағ тўловчи ва олувчига битта банк муассасаси томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳисоб-китоблари топшириқнома асосида уч нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха тўловчи банкида мемориал ордер бўлиб хизмат қилади, иккинчи нусха бир шаҳардаги ўтказишларда унинг ҳисобварагидан ёзиш чоғида олувчига юборилади, учинчи нусхаси тўловчига

берилиб, топшириқнома қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат ва банк муассасаси штампи билан берилади. Агар маблаг тўловчи ва олувчига бир шаҳарда жойлашган турли банк муассасалари хизмат кўрсатаётган бўлса, топшириқнома тўрт нусхада тақдим этилади, уларнинг биринчисидан мемориал ордер сифатида фойдаланилади, иккинчи ва учинчи нусхалари тўловдан сўнг маблаг олувчининг банкига гоборилади, бунда иккинчи нусха ордер бўлиб хизмат қилади ва банкда қолади, учинчи нусха олувчи ҳисобварагидан кўчирмага илова қилинади, тўртинчи нусхатўловчига тилхат ва банк штампи билан бирга қайтарилади. Ижро учун қабул қилинган топшириқномалар суммалари топшириқномалардакўрсатилган тўловчилар ҳисобварагидан ўчирилади. Акцептланган топшириқнома тўловга фақат тўлов суммада қабул қилинишимумкин. Акцептланган топшириқномаларниқабул қилганда банк топшириқноманингорқа томонида уларни тўлаш учун қабул қилган корхонанинг қабул қилиш санасикўрсатилган штампи бўлишини назоратқилиши керак. Ҳисоб-китобни банк томонидан акцептлангантопшириқнома билан амалга оширмакчи бўлган тўловчи унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига акцепт учун топшириқномани(0401002) уч нусхада тақдим этади. Дастлабки икки нусхага имзо чекилиши ва муҳр изи туширилиши шарт.Топшириқномани бажариш мумкинлиги ва у тўғри расмийлаштирилгани текширилганидан сўнг унинг суммаси банк муассасаси томонидан топшириқнома тақдим этган тўловчининг ҳисобварагидан ўчирилади ва *"Акцептланган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари"* ҳисобварагига депонентланади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк муассасаси муҳри изи билан тасдиқланади ва тўловчининг ишончли вакилига берилади, бу вакилнинг имзосидан намуна топшириқнома иккинчи нусхасида келтирилади. Зарурат тугилганда банк ишончли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни топширади. Ўтказма юборувчидан қабул қилинган акцептланган топшириқномаларни алоқа корхоналари ва транс асасаларига тўлов топшириқномаларининг бланклардаги реестрида (0401007) топширади. Нотўғри расмийлаштирилиши, депозитнинг амал қилиш муддати тутагани ёки бошқа сабабларга кўра тўлашга қабул қилинмаган акцептланган топшириқномалар реестрдан унинг якуни тузатилган ҳолда ўчирилади ва ҳисобот тақдим этган корхонага қайтарилади. Ишлатилмаган акцептланган топшириқнома суммаси уни акцептлаган банкка тақдим этилган топшириқнома бўйича тўловчи ҳисобварагига тикланади. Акцептланган топшириқнома унинг акцепт кунидан бошлаб бир ой давомида тўлаш учун тақдим этилмаганда ушбу топшириқнома суммаси *"Акцептланмаган тўлов топшириқномалари ва банкларнинг ҳисоб-китоб чеклари "* ҳисобварагидан *"Бошқа дебиторлар ва кредиторлар "* баланс ҳисобварагига ўтказилади ва кейин даъво муддати тутаганидан сўнг, республика бюджетининг даромадига ўтказилади. Тўлов топшириқномаси бўйича пул ўтказиб берилганида қуйидаги ёзувлар қилинади:

Д-т 6410 -"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик";

Д-т 6520 -"Давлат мақсадли фондларига тўловлар";

Д-т 6990-"Бошқа мажбуриятлар";

К-т 5110 -"Ҳисоб-китоб счёти".

Тўловларнинг тўлов талабнома –топшириқномалари шаклида мол етказиб берувчи маҳсулотни юклаб жўнатгандан сўнг тўлов талабномасини ёзиб, унга хизмат кўрсатадиган банкка топширади. У харидордан пулни ундириш ва уни мол етказиб берувчининг ҳисоб-китоб счётига киритиш учун талабномани харидорнинг банкка жўнатади. Тўловчининг акцепти (*розилиги*) мавжуд бўлганда, ҳисобварақлар ҳақи тўланади. Агар шартномага мувофиқ корхонанинг ўзи харидорлардан берилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар қийматини ундириш керак бўлса, тўлов талабнома-топшириқномаси тузилади, унинг шакли ва мазмуни тўлов топшириқномасига ўхшашдир. Тўлов талабнома-топшириқномаси мол етказиб берувчининг харидорга банкни четлаб ўтиб, унга юборилган тўлов ва юклаб жўнатиш ҳужжатлари асосида, шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қийматини тўлаш тўғрисидаги талабини ифодалайди. Тўловчи олинган тўлов талабноматопшириқномасини тўлаш имкониятини белгилаб, уни хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади, токи тўлов талабнома-топшириқномаси бўйича акцептланган сумма тўловчи ҳисобварагидан мол етказиб берувчининг ҳисобварагига ўтказилсин. Тўлов талабнома-топшириқномаларини мол етказиб берувчи 0401040 – сон бланкда ёзади ва шартномада кўзда тутилган юклаб жўнатиш ҳамда бошқа ҳужжатлар билан бирга 3 нусхада бевосита харидорга юборилади. Биринчи нусха белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, мол етказиб берувчининг имзолари ва муҳр изи қўйилган бўлиши керак. Тўлов талабнома-топшириқномаси тўловчи ҳисоб-варагида маблағ бўлганида қабул қилинади. Тўлиқ ёки қисман тўлашга рози бўлинганда тўловчи тўлов талабноматопшириқномасининг барча нусхаларини ҳисобварақни тасарруф этишга ваколатли шахслар имзолари ва муҳр изи билан расмийлаштиради ҳамда уларнинг ҳаммасини хизмат кўрсатувчи банкка топширади, бунда: биринчи нусха маблағларни тўловчи ҳисобварагидан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади ва муомала якунланганидан сўнг банк учун ҳужжатларда жойлаштирилади; иккинчи нусха мол етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банкка юборилади; учинчи нусхаси юклаб жўнатиш ҳужжатлари билан бирга жўнатиш учун қабул қилиш ва товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақи тўлангани тўғрисида тилхат сифатида тўловчига қайтарилади. Тўловчи банкка акцептланган тўлов талабнома-топшириқномаларини тақдим этиши шарт бўлган муддатни томонлар шартномада белгилайди ва уни банк назорат қилмайди. Тўлов талабнома-топшириқномаси унга илова қилинган юклаб жўнатиш ҳужжатлари ва тўлашдан бош тортилгани тўғрисидаги хабарнома билан бирга бевосита мол етказиб берувчига қайтариб берилади. Келиб тушган ва тўланмаган тўлов ҳужжатлари ҳисобини тўловчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга

оширади. унга хизмат кўрсатувчи банкка инкассо учун тўловчидан муайян суммани банк орқали тўлаш талаб қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатини тақдим этади. Тўловчиларнинг акцептли ёки акцептсиз талабли ҳисоб-китоблари корхоналар ўртасида юклаб жўнатилган (*берилган*) товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун, бошқа тўловлар бўйича эса амалдаги қонунлар ёки шартномада кўзда тутилган ҳолларда қўлланади, талабномада мазкур тўлов шаклини белгилаган тегишли меъёрий ҳужжат, шартнома бандига, албатта, ҳавола қилиниши керак. Олинган акцепт белгиланган ҳисоб-китобларда талабнома акцепт муддати тугаган куннинг эртасига тўланади. Тўловчи унга хизмат кўрсатадиган банк муассасасига мазкур банк муассасаси талабномани олган кундан сўнг 3 кун давомида, талабнома келиб тушган кунни ҳисобга олмаганда, акцептдан воз кечиши тўғрисида айтиш ҳуқуқига эгадир. Зарурат тугилганда корхонанинг сўровига биноан банк муассасаси раҳбари талабнома акцепти муддатини 10 кунга қадар узайтириши мумкин. Банк томонидан 10 кун мобайнида розилик (*акцепт*) олинмаган тақдирда бундай талабномалар банк муассасасига қайтарилиб, ҳужжат акцептланмагани кўрсатилади. Акцептдан воз кечишларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар доираси банк раҳбари томонидан белгиланади. Агар акцептдан воз кечиш умуман асослаб берилмаган бўлса, уни банк ижро этиш учун қабул қилмайди. Тўлов талабномаси 0401001 –сонли бланкларда тузилади. Агар талабномаспецификация билан мувофиқлаштирилмаган бўлса, унга товар транспорт ҳужжатлари ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак. Банк бошқа иловаларни қабул қилмайди, амалдаги қоидаларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Талабномаларда мол етказиб берувчи, албатта: шартнома санаси ва рақамини кўрсатади; товарларни юклабжўнатиш (*бериш*) санаси ҳамда товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар алоқа корхонаси орқали жўнатмалар сифатида юборилганда почта квитанцияларининг рақамлари кўрсатилиши керак. Талабномалар 4 нусхада тақдим этилади: талабноманинг биринчи нусхаси тўловчинингбанкка тўлаш пайтида мемориал-ордер бўлиб хизматқилади; талабноманинг иккинчи нусхаси инкассо муомаласи якунланганидан сўнг мол етказиб берувчининг ҳисобварагидан кўчирма қилганда унга бериш учун мўлжалланади; учинчи нусха унга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга талабнома тўловчининг банкига келиб тушгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай тўловчига тўлов тўғрисида хабар бериш ва акцепт учун топширилади; тўртинчи нусха бир шаҳардаги ҳисоб-китобларда маблағлар ҳисобварагига ёзилгандан сўнг мол етказиб берувчининг банкида мемориал-ордер сифатида ишлатишади. Талабномалар товар юклаб жўнатилган (хизмат кўрсатилган)дан сўнг шартномада тилга олинган муддатдан кечиктирмай инкассога топширилади. Талабномалар икки нусхада тузиладиган реестрга (0401014) киритилади. Реестр шакли мол етказиб берувчиларнинг хоҳишига биноан мол етказиб берувчи банкининг розилиги билан ўзгартирилиши ва реквизитлар билан тўлдирилиши мумкин.

Корхона бухгалтериясида ҳисоб-китоб ҳисобварагидаги пуллар ҳаракати банк кўчирмалари бўйича "Ҳисоб-китоб счёти" номли 5110-актив ҳисобварақда ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ бўйича кредит оборотлари 2-журнал-ордерда ёзилади, дебет бўйича оборотлар эса турли журнал-ордерларда акс эттирилади. 2-журнал-ордерга 2-қайднома юритилади, унда 5110-"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварақ дебетида киритилган суммалар ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоб ҳисобварагига ёзилган ва ундан ўчирилган суммаларни ҳисобда акс эттиришдан олдин банк кўчирмаси бухгалтер томонидан синчиклаб текширилади ва шундан сўнг бевосита ҳисоб-китоб варагидан кўчирмада ҳисобварақлар корреспонденциялари тузилади. Бунда банклардаги корхоналарнинг ҳисоб-китоб ҳисобварагилари пассив эканини эътиборда тутиш зарур, бинобарин, банк бухгалтериясида пулнинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушиши ҳисобварақнинг кредити бўйича, ҳисобдан ўчириш эса унинг дебетида акс эттирилади. Корхоналарда эса, аксинча, ҳисоб-китоб ҳисобвараги актив ҳисобланади, шунинг учун пул маблағларининг ҳисоб-китоб ҳисобварагида кўпайиши дебет бўйича, камайиши эса кредит бўйича акс эттирилади. Агар банк кўчирмасида хатога йўл қўйилган бўлса, тегишли сумма 4860—"Даъволар бўйича олинadиган счётлар" ҳисобварагининг дебети ёки кредити бўйича, 5110—"Ҳисоб-китоб счёти" ҳисобварақ билан корреспонденцияда акс эттирилади, бу ҳақда дарҳол банкка хабар қилиниши керак. Хатонинг тузатилгани тўғрисида банк корхонага навбатдаги кўчирмада хабар қилади ва бунга асосланиб тузатув ёзувини киритади. Товарларни жунатиш ва пул маблағларини ҳисоб-китоб варақларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича расмийлаштирилади:

-товарлар жўнатилиши билан мол юборувчида:  
Д-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар"; К-т 9010, 9020.

- мол юборувчида ҳисоб-китоб счётига пул ўтказилганида:  
Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";  
К-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар".

-материаллар келиб тушиши билан мол олувчиларда:  
Д-т 1010—"Хом-ашё ва материаллар" ;  
К-т 6010—"Мол етказиб берувчилар  
ва пудратчиларга тўланadиган счётлар".

- мол сотиб олувчида ҳисоб-китоб счётидан пул ўтказилганда:

Д-т 6010—"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланadиган счётлар";

К-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти".

**Вексел** бир томон (*вексел берувчи*) иккинчи томонга (*вексел тузувчига*) берган ва герб йигими тўланган, белгиланган шаклда тузилиб, сўзсиз ёзма қарз пул мажбурияти ҳисобланади. Векселлар оддий ва ўтказма векселлар бўлиши мумкин. Оддий вексел ёзма ҳужжат бўлиб, вексел берувчи (қарздор) нинг муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда вексел тутувчига еки унинг буйругига биноан тўлаши тўғрисида оддий ва ҳеч

нарсa билан шартланмаган мажбуриятидир. Ўтказма вексел (*tratta*) ёзма хужжат бўлиб, вексел берувчининг тўловчига муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда олувчига ёки унинг буйругига биноан тўлаши тўғрисида сўзсиз буйругидир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселлардан амалда фойданилмаяпти. Улар муомалада бўлмасада, аммо ҳисоб-китобларнинг қулай усулидан бири бўлиб ҳисобланади. **Инкассо топшириқномаларига биноан тўловлар ҳисоби** корхоналар ҳисобварақларидаги маблагларни улар розилигисиз ҳисобдан ўчиришнинг қуйидаги ҳолларида қўлланади:

-бюджетга тўловлар бўйича боқимандалар, жарималарни ундиришда ва маблагларни ҳисобдан ўчиришнинг сўзсиз тартиби белгиланган бошқа ҳолларда:

- ундирувчиларнинг фармойишлари бўйича;
- ижро этиш ва унга тенглаштирилган хужжатлар бўйича.

Маблагларни ҳисобварақлардан сўзсиз тартибда ҳисобдан ўчириш ундирувчиларнинг тўлов талабнома-топшириқномаси банкида тақдим этиладиган фармойишлари асосида амалга оширилади. Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар шакли корхоналар ўртасида, яъни мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли машинасозлик корхоналарида, кўмир, газ, металл сотиб олишда, озиқ-овқат саноати корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасида нон, сут маҳсулотларини сотиш ва сотиб олишда қўлланилади. Унинг хусусияти шундаки, ҳисоб-китоб ҳар бир жўнатилган маҳсулот учун эмас, балки белгиланган муайян муддатда, яъни ҳар куни ёки 3—5 кунда бир марта олиб борилади. Ушбу шаклдаги ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилишини банк назорат қилиб туради. Ҳисоб-китоб хужжатлари харидор ёки мол етказиб берувчи томонидан ёзилиши мумкин. Вақти-вақти билан жўнатилган маҳсулот ва тўланган пул текшириб турилади, ўртадаги фарқ қўшимча маблаг тўлаш ёки маҳсулот жўнатиш билан тартибга солинади. Режали тўловлар орқали олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби мол юбуровчининг балансида 4110- "Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар" ҳисобварагининг "Режали тўловлар ҳисоб-китоби" аналитик ҳисобварагида юритилади. Маҳсулот сотилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар";

К-т 9010—"Маҳсулотни сотишдан олинган даромад".

Сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 5110—"Ҳисоб-китоб счёти";

К-т 4110—"Харидор ва буюртмачилардан олинadиган счётлар".

Мижоз (корхона) чек дафтарчаларини унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасидан олади. Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, касаллик варақаси бўйича нафақалар, мукофотлар, хизмат сафарлари ва хўжалик харажатлари учун нақд пулларни банк чеки асосида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳисобварагидан шу корхона кассасига беради. **Пул чеки** корхонанинг ҳисоб-

китоб ҳисобварагидан чекда кўрсатилган нақд пул суммасини бериш тўғрисида банкка берган фармойишидан иборат. Чек сиёҳда ёки шарикли ручкада тўлдирилади. Унда сумма, чек берилган вақт, олувчининг номи, шунингдек, олинган сумманинг нима мақсадда ишлатилиши кўрсатилади.

**Пул бадаллари ҳақидаги эълон** билан ҳисоб-китоб ҳисобварагига нақд пуллар топширилганлиги расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат бир нусхада тўлдирилади ва унда тўланадиган пулнинг ҳосил бўлиш манбаи кўрсатилади. Банк қабул қилинган пулга кассирга квитанция беради, у бухгалтерияда касса чиқим ордерини тузиш ва касса бўйича пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун асос вазифасини ўтайди. Ҳисоб-китоб ҳисобварагидаги барча ўзгаришлар ҳақида банк ўз миқдорини ҳисоб-китоб ҳисобварагидан кўчирмалар бериш орқали хабардор қилади. **Банк кўчирмаларида** ҳисоб-китоб ҳисобварагига маблағларнинг тушиши ва ундан ҳисобдан чиқарилиши, кун боши ва охири учун ундаги маблағ қолдиқлари кўрсатилади.

Корхона бухгалтерияси кўчирмага илова қилинган ҳисоб-китоб ва тўлов ҳужжатлари бўйича ҳар қайси кўчирманинг тўғрилигини ҳамда тушган ва ҳисобдан чиқарилган суммаларнинг мослигини текширади. Хато топилган тақдирда корхона бу ҳақда банк муассасасига кўчирма олинганидан сўнг 10 кундан кечикмай хабар қилади. Корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги пул маблағларининг миқдори ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун 5110— "Ҳисоб-китоб счёти" актив пул ҳисобварагидан фойдаланилади. 5110-ҳисобварақ дебети бўйича тушумлар тарзига боғлиқ равишда турли ҳисобварақлар кредитидан ҳисоб-китоб варагига маблағларнинг тушиши бўйича хўжалик муомалалари, 5110-ҳисобварақ кредити бўйича эса харажатнинг нима мақсадда қилинганлигига кўра ҳисоб-китоб вараги турли ҳисобварақлар дебетига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича хўжалик муомалалари акс эттирилади.

## **1.2. Хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ҳисоблашув муомалалари ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва улар ҳисобининг олдида қўйилган вазифалар**

Харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

4020 "Олинган векселлар".

4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар

учун харидорлар ва буюртмачиларга такдим этилган ҳисоб-китоб хужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади.

Олинадиган счётлар (4000) асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга такдим этилган ҳисоб-китоб хужжатларидаги суммага дебетланади.

Олинадиган счётлар (4000) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан келиб тушган тўловлар суммасига, олинган бўнақларни ҳисобга олиш ва бошқалар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Олинадиган счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир харидор (буюртмачи) бўйича юритилади.

Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни етказиб бериш шунингдек, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар";

4320 "Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар";

4330 "Бошқа берилган бўнақлар".

Берилган бўнақлар суммаси шунингдек, қисман тайёр ҳолдаги товарлар, иш ва хизматлар учун тўланган суммалар 4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар", 4320 "Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар", 4330 "Бошқа берилган бўнақлар" счётларининг дебитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнақлар мол етказиб берувчилар ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда, қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома бўлиши мумкин. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

Корхона томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича тўланган бўнақлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4410 "Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)" счётида амалга оширилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (6000) - Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар (6100)

- Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар (6200)

- Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)
- Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6400)
- Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)
- Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6600)
- Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700)
- Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6800)
- Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)

Мазкур счётлар корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Чет эл валютасидаги мажбуриятлар ушбу бўлимдаги счётларда пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини қайта ҳисоблаш йўли билан, сўмда ҳисобга олинади. Кредиторлик қарзларини ҳисобот ойининг охириг санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳолаганда вужудга келган курс фарқлари 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар” (ижобий курс фарқи бўлганда) ёки 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” (салбий курс фарқи бўлганда) счётига олиб борилади.

Ушбу бўлимда қуйидаги счётлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

6000 - Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар;

6100 - Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар;

6200 - Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;

6300 - Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

6400 - Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

6500 - Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

6600 - Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар;

6700 - Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар

6800 - Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

6900 - Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар.

Товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек, ташиш бўйича олинган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”;

6020 “Берилган векселлар”.

Пудратчи курилиш ва монтаж, илмий-Битирув малакий иши ва шу каби корхоналар бош пудратчи (бош корхона) ҳисобланса, ўз субпудратчиларига бўлган мажбуриятларини ҳам ушбу счётада акс эттиради.

6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қийматига ушбу қийматликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Агар омборга келиб тушган моддий қийматликларнинг сифати, миқдори, шунингдек, баҳоси шартномада келишилган шартларга мос келмаса, 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти 4860 “Даъволар бўйича олинадиган счётлар” счёти билан боғланган ҳолда тегишли суммага кредитланади.

“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича алоҳида юритилади.

6020 “Берилган векселлар” счётининг кредитида сотиб олинган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматлар учун векселлар билан таъминланган жорий мажбуриятлар ҳисобга олинади ва уларни қоплаш давригача ҳисобда туради. Векселлар бўйича мажбуриятлар қопланишига қараб улар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан 6020 “Берилган векселлар” ва 6920 “Ҳисобланган фоизлар” счётларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

“Берилган векселлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Корхона харидор ва буюртмачиларга маҳсулот ва товарларни етказиб бериш, шунингдек иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун улардан бўнак тўловини (олдиндан тўлашни) талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатда бўнак ТМҚларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши, ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади.

Бундай бўнақлар пул маблағини олган корхона учун маҳсулот ва товарларни етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш амалга оширилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнақларга қуйидагилар мисол бўлади: корхона томонидан газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар, шунингдек ТМҚ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

Олинган бўнак суммалари, шунингдек, қисман тайёр ҳолдаги маҳсулот (иш, хизмат) учун қабул қилинган тўловлар суммаси олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига акс эттирилади. Буюртмачиларга ишлар тугатиб топширилганда ва хизматлар кўрсатилганда шунингдек, харидорларга маҳсулот юклаб жўнатилганда, олинган бўнақлар харидор ва буюртмачиларнинг мажбуриятларини камайтиради ва олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг дебети ва олинадиган счётлар (4000) кредитига олиб борилади.

Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (6300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнақлар тури бўйича алоҳида юритилади.

Бюджетга тўловлар бўйича корхонанинг жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)” счётида амалга оширилади.

Корхонанинг мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек юк ташиш бўйича олинган хизматлар учун вужудга келган узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш куйидаги счётларда амалга оширилади:

7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”;

7020 “Берилган векселлар”.

7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счётининг кредитида ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қиймати ушбу қийматликлар ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кўрсатилади.

7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича алоҳида юритилади.

7020 “Берилган векселлар” счётининг кредитида сотиб олинган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматлар учун векселлар билан таъминланган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобга олинади ва улар қопланиш давригача ҳисобда туради.

7020 “Берилган векселлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Мол етказиб берувчиларга тўланадиган узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилганда 6010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”, 6020 “Берилган векселлар” счётлари кредитланиб, 7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”, 7020 “Берилган векселлар” счётлари дебетланади.

Корхонанинг буюртмачиларга қисман тайёр ТМҚни етказиб бериши ёки иш бажариши ва хизматлар кўрсатиши учун олган бўнақлари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” счётида амалга оширилади.

Олинган бўнақ суммалари, шунингдек, қисман тайёр маҳсулот (иш, хизмат) учун олинган тўловлар суммаси 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” счётининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган узоқ муддатли бўнақлар суммасининг жорий қисмга ўтказилиши 7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” счётининг дебети, 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

7310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар” счёти бўйича аналитик ҳисоб олинган бўнақлар тури бўйича алоҳида юритилади.

**II боб. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини ташкил этилиши**

**2.1. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш.**

Харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

4020 "Олинган векселлар".

4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади.

**2.1.1-жадвал**

**Олинадиган счётлар (4000)нинг боғланиши**

| Т/<br>р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                                                                                                                           | Счётларнинг боғланиши |            |
|---------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|------------|
|         |                                                                                                                                                                                           | Дебет                 | Кредит     |
| 1       | Товар, иш ва хизматларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси                                                                                                        | 4010                  | 9010-9030  |
| 2       | Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси                                                                                            | 4010                  | 9210, 9220 |
| 3       | Харидорлар ва буюртмачилардан тўловлар келиб тушди                                                                                                                                        | 5010-5530             | 4010       |
| 4       | Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган маҳсулотлар, товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун даъво билдирилди                                                                 | 4860                  | 4010       |
| 5       | Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган товарлар, маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишда олинган бўнақларнинг ҳисобга олиниши | 6310                  | 4010       |
| 6       | Харидорлар ва буюртмачиларнинг тўланмаган қарзларини зарарга ҳисобдан чиқарилиши                                                                                                          | 9430                  | 4010       |
| 7       | Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши                                                                                    | 4910                  | 4010       |
| 8       | Олинган векселлар бўйича қарзларнинг қопланиши                                                                                                                                            | 5010-5530             | 4020       |
| 9       | Олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши                                                                                                                       | 4020                  | 0910       |

Буюртмачиларга қисман тайёр ҳолдаги ТМҚни етказиб беришга ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, акцияга обуначилардан олинган бўнақлар бўйича жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар”;

6320 “Акцияга обуначилардан олинган бўнақлар”;

6390 “Бошқа олинган бўнақлар”.

Корхона харидор ва буюртмачиларга маҳсулот ва товарларни етказиб бериш, шунингдек иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун улардан бўнақ тўловини (олдиндан тўлашни) талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатда бўнақ ТМҚларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши, ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади.

Бундай бўнақлар пул маблағини олган корхона учун маҳсулот ва товарларни етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш амалга оширилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнақларга қуйидагилар мисол бўлади: корхона томонидан газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар, шунингдек ТМҚ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

### 2.1.2-жадвал

**Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг бошқа счётлар билан боғланиши**

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                                                                                                     | Счётларнинг боғланиши |                         |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|-------------------------|
|     |                                                                                                                                                                     | Дебет                 | Кредит                  |
| 1   | Бўнақлар олинди                                                                                                                                                     | 5010-5530             | 6310-6390               |
| 2   | Маҳсулотлар, товарларни етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотишда илгари олинган бўнақлар ҳисобга олинди | 6310-6390             | 4010                    |
| 3   | Илгари олинган бўнақлар қайтарилди                                                                                                                                  | 6310-6390             | 5010-5530               |
| 4   | Илгари олинган бўнақлар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзлари ҳисобидан қайтарилди                                                                       | 6310-6390             | 6810-6840,<br>7810-7840 |
| 5   | Даъво билдириш муддати давомида фойдаланилмаган бўнақ суммалари ҳисобдан чиқарилди                                                                                  | 6310-6390             | 9390                    |

### 2.1.3-жадвал

**Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (7300)нинг бошқа счётлар билан боғланиши**

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                           | Счётларнинг боғланиши |                         |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|-------------------------|
|     |                                                                                           | Дебет                 | Кредит                  |
| 1   | Узоқ муддатли бўнақлар олинди                                                             | 5010-5530             | 7310                    |
| 2   | Узоқ муддатли бўнақлар суммаси жорий қисмга ўтказилди                                     | 7310                  | 6310                    |
| 3   | Илгари олинган узоқ муддатли бўнақлар қайтарилди                                          | 7310                  | 5010-5530               |
| 4   | Илгари олинган бўнақлар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзи ҳисобига қайтарилди | 7310                  | 6110-6190,<br>7110-7190 |

Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни етказиб бериш шунингдек, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

4320 "Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

4330 "Бошқа берилган бўнаклар".

## 2.1.4-жадвал

**Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300)нинг боғланиши**

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                                                | Счётларнинг боғланиши |                         |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|-------------------------|
|     |                                                                                                                | Дебет                 | Кредит                  |
| 1   | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун нақд пулда бўнаклар берилди                                       | 4310                  | 5010                    |
| 2   | Банкдаги счётлардан бўнаклар ўтказилди                                                                         | 4310-4330             | 5110-5530               |
| 3   | Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бўнаклар ўтказилди                                                      | 4310-4330             | 6810-6820,<br>7810-7820 |
| 4   | Контрактнинг бекор қилиниши натижасида аввал берилган бўнаклар қайтарилди                                      | 5010-5530             | 4310-4330               |
| 5   | Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнакларнинг ҳисобга олиниши | 6010, 7010            | 4310-4330               |
| 6   | Мол етказиб берувчиларга берилган бўнакларнинг даъво муддати ўтганлари ҳисобдан чиқарилди                      | 9430                  | 4310-4330               |
| 7   | Берилган бўнакнинг тегишли суммаси узоқ муддатли қисмидан жорий қисмга ўтказилди                               | 4310-4330             | 0940                    |

Товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек, ташиш бўйича олинган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6020 "Берилган векселлар".

## 2.1.5-жадвал

### Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (6000)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

| Т/<br>р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                                                                                                                                                                  | Счётларнинг боғланиши        |           |
|---------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|-----------|
|         |                                                                                                                                                                                                                                  | Дебет                        | Кредит    |
| 1       | Капитал қуйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётлар тўловга қабул қилинди                                                                        | 0810-0890                    | 6010      |
| 2       | Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди                                                                                                                                                                                | 1010-1090                    | 6010      |
| 3       | Мол етказиб берувчилардан товар-моддий заҳираларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси                                                                                                                                     | 4410                         | 6010      |
| 4       | Корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди | 2010, 2310, 2510, 2710, 9420 | 6010      |
| 5       | Мол етказиб берувчилардан товарлар келиб тушди                                                                                                                                                                                   | 2910-2990                    | 6010      |
| 6       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзлар банкдаги счётлардан тўланди                                                                                                                                               | 6010                         | 5110-5530 |
| 7       | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётларини тўлашда олдиндан берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши олиниши                                                                                                              | 6010                         | 4310-4330 |

Корхонанинг мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек юк ташиш бўйича олинган хизматлар учун вужудга келган узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7010 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”;

7020 “Берилган векселлар”.

## 2.1.6-жадвал

### Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар (7000)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни                                                                                                                                                                                                  | Счётларнинг боғланиши             |        |
|-----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|--------|
|     |                                                                                                                                                                                                                                  | Дебет                             | Кредит |
| 1   | Капитал қўйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётлар тўловга қабул қилинди                                                                        | 0810-0890                         | 7010   |
| 2   | Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди                                                                                                                                                                                | 1010-1090                         | 7010   |
| 3   | Мол етказиб берувчилардан ўстиришга ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар келиб тушди                                                                                                                                               | 1110, 1120                        | 7010   |
| 4   | Мол етказиб берувчилардан товар моддий захиралари сотиб олинганда тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди                                                                                                                            | 4410                              | 7010   |
| 5   | Корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди | 2010, 2310, 2510, 2710, 9420-9430 | 7010   |
| 6   | Мол етказиб берувчилардан товарлар келиб тушди                                                                                                                                                                                   | 2910-2990                         | 7010   |
| 7   | Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотиш жараёнида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг кўрсатган иш ва хизматлари                                                                                                    | 9410                              | 7010   |
| 8   | Табиий офатларни тугатишда мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари                                                                                                                                                  | 9720                              | 7010   |
| 9   | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг қарзлари узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ҳисобдан чиқарилди                                                                                                                         | 7010                              | 6010   |
| 10  | Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилди                                                                                                                                                                    | 7010                              | 9390   |

## **2.2. Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг таҳлили.**

Корхоналар ўртасида бўладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва назорат ташкилотлари ўртасидаги ҳисоб-китоб туловларида кечиктирилган вақт буйича фаркланишлар келиб чиқади. Бунда корхона томонидан туланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, олинishi лозим бўлган мажбуриятлар эса дебиторлик мажбуриятлар ҳисобланади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларига қуйидагича шарҳ бериш мумкин. Қарши томонга туланиши лозим бўлган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, қарши томондан олинishi лозим бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари дейилади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб-китоблар-нинг доимий йулдоши ҳисобланади. Лекин тулов муддатининг ошиб кетиши корхоналар молиявий ахволига катта таъсир утказади. Шу мақсадда корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тугри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назорати ва эътиборидаги масала ҳам ҳисобланади. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бўладиган узаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш ва иктисодий тадбирлар режасини тузиб чиқиш чора тадбирлари белгиланади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади - дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари буйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корхонанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин. Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган узаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларнинг оқданувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари буйича даргумон қдрзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

*Бугунги бозор иктисодиётига уттиш шароитида корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини урганишда молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:*

- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш сабабларини урганиш;
- корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш муддатлари

- буйича таснифлаган ҳолда ўрганиш;
- дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик узгаришларига баҳо бериш;
- кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик узгаришларига баҳо бериш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига баҳо бериш;
- муддати утган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мавжудлигини ва уларни тугатиш йўллари ўрганиш;
- қарзларни камайтириш буйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб бериш ва ҳоказо.

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини урганишда асосий ахборот манбалари булиб қуйидагилар ҳисобланади:***

корхонанинг «Бухгалтерия баланси» (1-шакл) маълумотлари; '  
«дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома»дан  
бухгалтерия ҳисобининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини акс  
этирувчи тегашли счёт маълумотлари.

Янгича иш юритиш аввал учрамаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ташки ва ички бозордан тажрибали мижоз ва хамроҳ танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини урганиш зарурлигини курсатади.

Корхоналарнинг хужалик фаолиятини таҳлил қилиш, ишларини яхшилаш, самарадорлигини оширишнинг муҳим омили булиб келган ва шундай булиб қолади. Хужалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаган ресурсларни аниқлаб; корхоналарнинг келгусида ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Республикаимиз иктисодиётини бозор муносабатларига утказиш билан корхоналар хужалик фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамияти янада ортади, чунки бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришга жорий этилмаган ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш энг долзарб муаммога айланади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши куп укладли бозор иктисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари — фойда ва рентабеллик корхоналар фаолиятининг асосий курсаткичларига айланади.

Иктисодиётни ривожлантиришда ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик, расмиятчилик, режалаштириш ва бошқариш тизимидан воз кечиш бозор муносабатларидан кенг фойдаланиш, корхоналарнинг иктисодий мустақиллигини, молиявий ҳолати билан шуғулланувчи, ундан манфаатдор ташкилот ва органларнинг таркибини кенгайтиради.

Илгари корхоналарнинг хужалик фаолияти, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш билан факат молия, банк, статистика органлари ва юқри ташкилотлар шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан юқорида кўрсатилган ташкилотлардан ташқари солиқ органлари, аудиторлик идоралари, жамоа ташкилотлари, акционерлар, таъминловчилар, истеъмолчилар ва бошқа органлар ва ташкилотлар ҳам шуғулланишяпти.

Бу ҳолат молиявий таҳлил, жумладан, уни бажариш услуби олдида янги талаблар қўймокда.

Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бухгалтерия баланси актив моддаларини таҳлил қилиш учун 2.2.1-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона активларини катта қисми жорий активларга тўғри келиб, улар активларнинг

2011й. 1 январга ҳолатида 90,8 фоизини, 2012й. 1 январга ҳолатида эса, жами активларнинг

91 фоизини ташкил қилган.

Жорий активлар ичида эса дебеторлик қарзлари катта салмоққа эга. Улар жорий активларнинг 2011й. 1 январга ҳолатида 89,9фоизини, 2012й. 1 январга ҳолатида эса, жами активларнинг 89,4 фоизини ташкил қилган.

Дебеторлик қарзлари ичида катта салмоқ харидор ва буюртмачиларнинг қарзига тўғри келади. Бу қарзлар жами активларга нисбатан 2011й. 1 январга ҳолатида 88,2фоизини, 2012й. 1 январга ҳолатида эса, жами активларнинг 87,8 фоизини ташкил қилган

Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида Бухгалтерия баланси пассив моддалари таҳлил қилиш учун 2.2.2-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона пассивларини катта қисми ўз маблағларининг манбаига тўғри келиб, улар активларнинг

2011й. 1 январга ҳолатида 84,2фоизини, 2012й. 1 январга ҳолатида эса, жами активларнинг

85,2 фоизини ташкил қилган.

Мажбуриятларжами пассивларнинг 2011й. 1 январга ҳолатида 15,8 фоизини, 2012й. 1 январга ҳолатида эса, жами пассивларнинг 14,8 фоизини ташкил қилган

Мажбуриятлар асосан жорий мажбуриятлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлардан иборат

## 2.2.1-жадвал

**Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида  
бухгалтерия баланси актив моддалари таҳлили**

| Кўрсаткичлар                                                                 | 2011й. 1январга       |               | 2012й. 1январга       |               | Ўзгариш        |              |                                       |
|------------------------------------------------------------------------------|-----------------------|---------------|-----------------------|---------------|----------------|--------------|---------------------------------------|
|                                                                              | Сумма,<br>минг<br>сум | Сал<br>моғи,% | Сумма,<br>минг<br>сум | Сал<br>моғи,% | Сумма<br>(+,-) | Салмо<br>ғи% | 2010й.<br>1январга<br>нисб.ўсиш,<br>% |
| 1. Узоқ муддатли активлар                                                    | 4 706                 | 9,2           | 4 706                 | 9             | -              | -0,2         | -                                     |
| Шунда узоқ муддатли дебиторлик қарзлари                                      | -                     |               | -                     | -             | -              | -            | -                                     |
| Жорий активлар                                                               | 46 630                | 90,8          | 47 338                | 91            | 708            | 0,2          | 101,5                                 |
| б) пул маблағлари                                                            | 142                   | 0,3           | 297                   | 0,6           | 155            | 0,3          | 209                                   |
| в) Дебиторлик қарзлари                                                       | 46 152                | 89,9          | 46 505                | 89,4          | 353            | -0,5         | 100,8                                 |
| Шундан:<br>мол етказиб<br>берувчиларва<br>пудратчиларга<br>берилган бунақлар | 140                   | 0,3           | 115                   | 0,2           | -25            | -0,1         | 82,1                                  |
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи                                            | 45295                 | 88,2          | 45673                 | 87,8          | 378            | -0,4         | 100,8                                 |
| Баланс активи<br>Жами                                                        | 51 336                | 100           | 52 044                | 100           | 708            | X            | 101,4                                 |

2.2.2-жадвал

Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида Бухгалтерия баланси пасив моддалари таҳлили

| Кўрсаткичлар                                               | 2011й. 1 январга |            | 2012й. 1 январга |            | Ўзгариш              |            |                                   |
|------------------------------------------------------------|------------------|------------|------------------|------------|----------------------|------------|-----------------------------------|
|                                                            | Сумма, минг сум  | Салмоғи, % | Сумма, минг сум  | Салмоғи, % | Сумма минг сум (+,-) | Салмоғи, % | 2010й. 1 январга нисбатан ўсиш, % |
| 1. Ўз маблағларининг манбаи                                | 43 232           | 84,2       | 44338            | 85,2       | 1 106                | 1          | 102,6                             |
| 2. Мажбуриятларжами                                        | 8 104            | 15,8       | 7 706            | 14,8       | -398                 | -1         | 95,09                             |
| шу жумладан<br>а) узоқ муддатли мажбуриятлар               |                  |            | 493              | 0,9        |                      |            |                                   |
| Харидор ва буюртмачилардан олинган бунақлар                | -                |            | 493              | 0,9        |                      |            |                                   |
| б) жорий мажбуриятлари                                     | 8 104            | 15,8       | 7 213            | 13,9       | -891                 | -1,9       | 89                                |
| Шу жумладан мол етказиб берувчиларва пудратчиларга қарзлар | 319              |            | 1050             |            |                      |            |                                   |
| Харидорлардан олинган қисқа муддатли бунақлар              | -                | -          | -                | -          | -                    | -          | -                                 |
| Баланс пасиви<br>Жами                                      | 51 336           | 100        | 52 044           | 100        | 708                  | X          | 101,4                             |

## 2.3-жадвал

**Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 2012 йил 1 январь ҳолатига  
дебитор ва кредитор қарздорлиги ҳаракати таҳлили**

| т/<br>р  | Ташкилотлар номи       | 01.01 2011й.га қолдик |         | 2012йил айланма |            | 01.01 2012й.га қолдик |         |
|----------|------------------------|-----------------------|---------|-----------------|------------|-----------------------|---------|
|          |                        | Дт                    | Кт      | Дт              | Кт         | Дт                    | Кт      |
|          | <b>60 счёт</b>         |                       |         |                 |            |                       |         |
| <b>1</b> | <b>Қарши</b> нефтебаза | 269 081               |         | 2 070 000       |            |                       | 515 287 |
| <b>2</b> | Истиқлол МТП           | 19 187                |         |                 |            | 19187                 |         |
| <b>3</b> | Қарши Магистрал канал  |                       |         |                 |            |                       |         |
| <b>4</b> | Беруний, Улуғбек МТП   | 115 000               |         |                 |            | 115 000               |         |
|          | Жами                   | 403 268               |         | 2 070 000       | 2 854 368  | 134 187               |         |
|          | <b>76 счёт</b>         |                       |         |                 |            |                       |         |
| <b>1</b> | Профсоюз 1 %           |                       | 50 712  |                 | 82 731     |                       | 50 712  |
| <b>2</b> | Пенсия жамғарма 1%     |                       | 185 663 |                 | 82 731     |                       | 268 394 |
| <b>3</b> | Фермер хўжаликлари     | 33 988 745            |         | 29 973 760      | 19 344 500 | 44 617 321            |         |
| <b>4</b> | Перфектум Мобили       |                       |         |                 |            |                       |         |
| <b>5</b> | Узоқ бобо              |                       |         | 40 000          | 40 000     |                       |         |
| <b>6</b> | Турон таъминот база    |                       |         |                 |            |                       |         |
| <b>7</b> | Қарши электроника      |                       | 35 000  | 35 000          |            |                       |         |
| <b>8</b> | Қарши қора металл      | 120 720               |         | 226 525         | 346 965    | 310                   |         |
|          | Жами                   | 34 109 495            | 271 375 | 30 274 601      | 19 896 927 | 44 617 631            | 319 106 |
|          | Хаммаси                | 34 512 763            | 271 375 | 32 344 601      | 22 751 295 | 44 751 818            | 319 106 |

## 2.2.4-жадвал

### Қарши шаҳар

Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси 2012 йил 1 январ ҳолатига мол етказиб берувчилар ҳамда харидор ва буюртмачилар билан дебитор ва кредитор қарздорлиги ҳаракати таҳлили

| т/р | Ташкилотлар номи           | 01.01 2010й.га қолдик |          | 2011 йил айланма |          | 01.01 2012й.га қолдик |           | 01.01 2011й.га нисбатан<br>Ўзгариш |          |
|-----|----------------------------|-----------------------|----------|------------------|----------|-----------------------|-----------|------------------------------------|----------|
|     |                            | дебитор               | кредитор | дебитор          | кредитор | дебитор               | кредитор  | дебитор                            | кредитор |
| 1   | Мол етказиб<br>берувчилар  | 139 787               | 515 287  | 1 044 813        | 1558 865 | 115 000               | 1 010 152 | -24 787                            | 494 865  |
| 2   | Харидор ва<br>буюртмачилар | -                     | -        | -                | -        | -                     | -         | -                                  | -        |
|     | Жами                       | 139 787               | 515 287  | 1 044 813        | 1558 865 | 115 000               | 1 010 152 | -24 787                            | 494 865  |

### **III боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалалари ҳисобини такомиллаштириш.**

Хўжалик субъектлари фаолиятигага халқаро бухгалтерия стандартлари тамойилларининг кенг жорий қилиниши бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизими хизматларининг янада яқинроқ ҳамкорлик қилишига имконият яратмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларида халқаро бухгалтерия стандартларининг *жорий* қилиниши субъект ходимлари ва таҳлилчилар ёки аудиторлар учун янада қупроқ қулайликлар бериши лозим.

Чунки улар маълум туплаган иш тажрибаларини уртоқлашишлари ва ташки аудиторлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида билим ва малакаларини оширишлари мумкин. Бунинг натижасида ташки аудиторлар аудиторлик текширувларини утказишга камроқ вақт сарфлашга, бу эса уз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбариятининг ташки аудитга булган хизматлар кийматида таъсир курсатади.

Ташки аудиторлар нуктаи назаридан, ички аудиторлар билан ҳамкорлик уларга бир катор қулайликлар яратади, яъни фаолияти ва операцияларини яхшироқ тушуниш ҳамда ташки аудит жараёнида қайта утказиладиган тестлар сонини минималлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ташки аудиторларнинг ички аудиторлар иш натижалари тўғрилигига булган ишончи уларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти масалаларининг янада кенг доирасини камраб имконини беради.

Шу билан бир каторда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ва ташки аудиторлари ҳамкорлиги узаро бир-бирини тушуниш ва маълум аудит текширувлари утказиш тажрибасига асосланиши лозим.

Ташки аудиторлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаганларидан сунг ташки ва ички аудиторларнинг ҳамкорлиги уч йуналишдан *бирида* амалга оширилиши мумкин. Яъни ташки аудитор томонидан ички аудит хизмати фаолиятини дастлабки баҳолаш унинг хулосаларига ва иш натижаларига қай даражада таянишлари мумкинлигини аниқлаш ҳамда бу натижалардан фойдаланиш имкониятини беради.

Ташки аудиторлар учун ички аудит хизмати иш натижаларининг ишончлилиги даражаси ортиши билан бу ҳамкорлик иккала томонга ҳам жиддий фойда келтира бошлайди. Қуйида ҳамкорликнинг учала йўналиши тавсифи келтирилган бўлиб ички аудит хизмати томонидан олинган маълумотлар ишонччилик даражаси ортиб бориши тартибида жойлаштирилган:

Биринчидан, ишнинг ташки аудиторлар назорати ва бошқарувида

бажарилиши. Яъни ички аудит хизмати ходимлари аудиторлик текширувлари жараёнида ташки аудиторлар билан ташқи аудиторларнинг иш дастурларига мувофик ва ташқи аудиторлар гуруҳи сардорининг назорати остида иш олиб борадилар. Сунгра ташки аудиторлар гуруҳи аъзолари олинган натижаларидан банкнинг молиявий ҳисоботида курсатилган маълумотларнинг тулиқлиги, ишончлилиги ва аниқлигини тасдиқлаш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Иккинчидан, ишнинг ташки аудиторлар раҳбарлигида бажарилиши. Бу босқичда ички аудит хизмати ходимлари ташки аудиторлар гуруҳи билан ҳамкорликда ташки аудиторлар тайёрлаган иш дастурларида курсатилган ишни бажарадилар. Ички аудиторларнинг фаолияти ташки аудиторлар томонидан назорат қилинмайди. Бу усулни ташки аудиторлар бевосита хўжалик юритувчи субъектлар биносида иш олиб бормаган ҳолларда куллашлари мумкин. Бу ҳолда, одатда, ташки аудиторлар ишни бажариш муддатини курсатадилар ва унинг молиявий ҳисоботда баён этилган маълумотларнинг тулиқлиги, ишончлилиги ва аниқлигини тасдиқлаш учун мувофик эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида кузатув утказадилар. Ушбу ҳамкорлик даражасига утишдан олдин ташки аудиторлар гуруҳи ичка аудит хизмати ходимларининг иш сифатини Ҳалқаро аудит стандартларига мувофик баҳолашлари лозим.

Учинчидан, ташки аудиторларнинг стандарт ички аудиторлик процедураларининг ишончлилигига бўлган ишончи. Яъни ички аудит хизмати аудитни режалаштиради, утказди ва унинг натижасида йиллик ҳисоботларини тайёрлайди.

**мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларни** текширишни бошлашдан олдин, аудитор корхонани мазкур ҳисоб-китобларнинг қайси турлари мавжуд эканлигини аниқлайди. Бунинг учун қуйидаги счётлардаги оборот ва қолдиклар синчиклаб текширилади:

“Кредитга сотилган товарлар буйича ходимларнинг қарзлари”;

“Берилган қарзлар буйича ходимларнинг қарзлари”;

“Моддий зарарни қоплаш буйича ходимларнинг қарзлари”;

“Ходимларнинг бошқа қарзлари”.

Аудитор №19-БХМС га мувофик ушбу счётлар буйича ҳисоб-китоблар инвентаризация қилинганлигини, инвентаризация маълумотларига асосан ҳисоб китобларнинг ҳолатини таҳлил қилиши зарур.

**мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар** тугрисидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини текшириш муомалада иштирок этувчи счётлар буйича ҳисоб регистрлари, Бош дафтар ва баланс маълумотларини солиштириш йули билан амалга оширилади.

Берилган қарзлар буйича ҳисоб-китобларни текшириш яқка тартибда уй-жой куриш ёки бошқа эҳтиёжлар учун ҳар бир ходимга қарз бериш тугрисидаги шартнома мавжудлиги ва унинг тўғри расмийлаштирилганлигини

аниклашдан иборат. Муайян ходимларга қарз бериш тўғрисида қарор чиқарилганлиги аниклаш ҳам зарур. Берилган қарзларни акс эттиришга доимий ёзувларини, хусусан, берилган қарзлар бўйича фоизлар ҳисоббланганлигини текшириш лозим. Муддати утиб кетган қарз мавжудлиги, уларни ундириш бўйича қандай чоралар кўришни ва ундириш имкони бор-йуклигини аниклаш муҳим. Қарз олувчиларнинг қарзини ҳисобдан учуриш ҳоллари пухта текширилиши керак.

Моддий зарарни қоплашга доир ҳисоб-китобларни текшириш чоғида қарздорлик фаолиятини муайян шахслар, вужудга келиш муддатлари ва сабаблари, ходим зиммасига олиб борилишининг қонунийлигини назорат қилиш зарур. Товар-моддий заҳираларни саклаш қоидаларига риоя қилмаслик уларнинг сакланиши устидан назорат урнатилмаганлиги, ўз вақтида инвентаризация утказилмаганлиги ёки юзаки утказилиши камомад ва угирликлар содир бўлишининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Моддий заҳираларни қоплаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини текшириш инвентаризация маълумотларини умумлаштириш, расмийлаштиришнинг асосланганлиги ва тугрилигини назорат қилиш билан бевосита боғлиқ. Текширув жараёнида моддий бойликлар камомадининг инвентаризация утказмасдан ва инвентаризация натижалари бўйича корхона раҳбарининг қарори бўйруқ, фармойиши қабул қилинмасдан сарф-харажатларга ёки айбдор шахслар зиммасига олиб берилган жиҳатлар йўклигини аниклаш зарур.

Инвентаризация натижасида аниқланган мулклар камомادي ва ошиқча чиқишини бухгалтерлик ҳисобида акс эттирилиши ва солиққа тортиш тўғрисидаги Низом га мувофиқ, барча камомад ва ошиқча чиқиш ҳолатлари солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларини ҳолатини алоҳида текшириш лозим. Шунинг учун аудитор ҳар бир ҳолатни алоҳида синчиклаб текшириши лозим. Олинган даромадлар суммаси селикда тортиладиган база га қушилиб, умумий тартибда солиққа тортилади.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ моддий ресурсларнинг табиий камайиш нормаси доирасидага камомادي таннархга, нормадан ошган қисми эса айбдор шахслар зиммасига олиб борилади. Шунинг учун айбдор шахслар зиммасига олиб бориладиган камомад суммаларининг асосланганлигини аниклаш табиий камайишдан кўрилган йўқотишларни ҳисоб китоб қилишнинг тугрилигини текширишга боғлиқ. Айбдор шахслар зиммасига олиб бориладиган камомадларни баҳолашнинг, ҳамда айбдор шахс зиммасига олиб берилган камомадни вақтида ҳисоб ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқни акс эттиришнинг тугрилигини ҳам текшириш керак.

Айбдор шахслар аниқланмаган ёки айбдор шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган (уларнинг айбдорлиги томонидан рад қилинган) вақтларда камомадларни корхона зарарига олиб бориш тартибига риоя қилиниши текшириш зарур. Бунда аудитор айбдор шахслар йўклиги тўғрисидаги далил исботларга (далолатномалар, баённомалар, даъво аризалари, суд қарори ва ш. у.) эга бўлиши керак.

## Хулоса ва таклифлар

**“Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини такомиллаштириш (Қарши шаҳар**

**Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)” мавзуси** юзасидан илмий изланиш олиб бориш натижасида қуйидаги хулосага келинди:

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз эътибори марказида бўлиб келмоқда . Юртбошимиз таъкидлаганидек “Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва      фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан      фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан      фоизга тушди.

**Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.**

Республикаимизда қишлоқ хўжалигини узлуксиз ривожланиши бозор муносабатлари шароитидаги объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ва уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар базасини вужудга келтирувчи бухгалтерия ҳисобини ва унинг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини такомиллаштириш кўп жихатдан унинг услубий асосларидан бири бўлган счетлар режаси, унинг тузилиши ва мазмунига боғлиқдир.

Мамлакатимизда мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар жараёнида асосий омил бухгалтерия ҳисоби етказиб бераётган аниқ ва тўғри маълумотлар ҳисобланади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисобининг амалдаги тизими кўп жихатдан маълумотларни ўз вақтида олиш имконини бермайди. Бу албатта ҳисоблашувлар жараёнига салбий таъсирини кўрсатади. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби жараёнида кўплаб ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги, мазкур мавзуда илмий Битирув малакий иши ишларини олиб борилмаганлиги танланган мавзуни долзарблилигидан далолат беради.

**Битирув малакий ишининг мақсади** бозор шароитида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобини назарий, услубий ҳамда ташкилий асосларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни

такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қарши шаҳар Спартак хусусий ишлаб чиқариш корхонасида корхона активларини катта қисми жорий активларга тўғри келиб, улар активларнинг 2011й. 1январга ҳолатида 90,8 фоизини, 2012й.1январга ҳолатида эса, жами активларнинг 91 фоизини ташкил қилган.

Жорий активлар ичида эса дебеторлик қарзлари катта салмоққа эга. Улар жорий активларнинг 2011й. 1январга ҳолатида 89,9фоизини, 2011й.1январга ҳолатида эса, жами активларнинг 89,4 фоизини ташкил қилган.

Дебеторлик қарзлари ичида катта салмоқ харидор ва буюртмачиларнинг қарзига тўғри келади. Бу қарзлар жами активларга нисбатан 2011й. 1январга ҳолатида 88,2фоизини, 2012й.1январга ҳолатида эса, жами активларнинг 87,8 фоизини ташкил қилган

Корхона пассивларини катта қисми ўз маблағларининг манбаига тўғри келиб, улар активларнинг 2011й. 1январга ҳолатида 84,2фоизини, 2012й.1январга ҳолатида эса, жами активларнинг 85,2 фоизини ташкил қилган.

Мажбуриятларжами пассивларнинг 2011й. 1январга ҳолатида 15,8 фоизини, 2012й.1январга ҳолатида эса, жами пассивларнинг 14,8 фоизини ташкил қилган

Мажбуриятлар асосан жорий мажбуриятлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлардан иборат.

Илмий янгиликларни ташкил этувчи энг муҳим хулоса ва таклифлар куйидагилардан иборат:

- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг олдида қўйилган вазифалар ўрганилди;
- мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир муомалаларнинг туркумларини ва уларнинг мазмун ҳамда моҳиятини тадқиқ қилинди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этилиши ўрганилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида ходимлар билан турли ҳисоблашув муомалаларининг таҳлил қилиш асосида ўрганилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аудити натижаларини ўрганиш ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар асосланди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг ҳисобини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг таҳлили ва аудитини

такомиллаштириш юзасидан тавсиялар асосланди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидагилар тавсия қилинади:

- мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг ҳисобига доир муомалаларнинг туркумларга бўлиб аналитик ҳисобин олиб бориш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар бир мол етказиб берувчи ва харидорлар билан ҳисоблашувларнинг ҳиоби мукаммаллашаи ва ахборотларнинг таҳлилий хусусиятлари ошади.
- хусусий ишлаб чиқариш корхонасида мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоблашув муомалаларининг аудитини тўғри ташкил қилиш учун ички аудиторларга аудит саволномаларини ишлаб чиқиш лозим.

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Informatsion uslubiy ta'minot

### 1. Asosiy adabiyotlar.

- 1.1.O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. — T.: O'zbekiston, 1992.
- 1.2.O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'grisida"gi Qonuni. 1996 yil 30 avgust.
- 1.3.Mahsulot (ishlar xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'grisida Nizom. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 54-sonli Qarori. 1999 yil 5 fevral.
- 1.4.O'zbekiston Respublikasining "Auditorlik faoliyati to'grisida"gi Qonuni. "Soliqlar va bojxona xabarlari", 2000 y. 3 iyun
- 1.5. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi (yangi tahrirda)T.: 2010 y.
- 1.6.Buxgalteriya hisobining milliy standartlari. №0—24. T.: Uzb.
- Buxgalterlar va Auditorlar Milliy Assotsiatsiyasi —1998-2012 y.
- 1.7. Jo'rayev N., Bobojonov O., Abdivaxidov F., Sotvoldiyeva D. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. Darslik. —T.: 2007y. -320b.
- 1.8. Jo'rayev N., Xolbekov R., Abdivaxidov F., Ilxomov I. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit. Darslik. —T.: 2007y. -280b.
- 1.9.Shpakov L.V., Barulina YE. V. Buxgalterskiy uchets kak polzovatsya MFSSO, «Alfa-Press».-M.: 2008.-37s.
- 1.10. Bodrova T.V. Nalogoviy uchets i otchetnost: uchets.posob.-Dashkov i K, 2010.-480 s.
- 1.11.Nikulkina I.V. Obshaya teoriya nalogoblojeniya: uchets.posob.- M.: Eksmo, 2010.-170 s.
- 1.12.Malyavkina L.I., Suvorova S.P. Praktiku po buxgalterskoy (finansovoy otchetnosti)..Uchebnoye posobiye.-M. «Vershina». 2008 g.
- 1.13. Kasyanova G.Y. Uchetnaya politika: buxgalterskaya i nalogovaya – M.: ABAK, 2010 -160s.
- 1.14. Kasyanova G.Y.Osnovniye sredstva: buxgalterskiy i nalogoviy uchets.-M.: ABAK, 2010 -256s.
- 1.15.Xasanov B.A. Xoshimov A.A. Boshqaruv hisobi.Darslik. —“SHarq”, 2005 y. -319 b.
- 1.16.Bobojonov O.. Moliyaviy hisob./Darslik. — T.: "Moliya", 2004.-580 b.

### 2.Qo'shimcha adabiyotlar

- 2.1.Karimov I.A. 2012-yil Vatanimiz taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradigan yil bo'ladi. - O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2011-yilning asosiy yakunlari va 2012-yilda O'zbekistonni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi. Xalq so'zi, 2012 yil, 20 yanvar. 14-soni (5434).
- 2.2. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish – ustuvor maqsadimizdir. – Prezident Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi ma'ruzasi // Xalq so'zi, 2010 yil 28 yanvar.
- 2.3.Bozor, pul va kredit" jurnali 2008—2012 yil sonlari.
- 2.4."Soliqlar va bojxona xabarlari" gazetasi, 2008—2012 yil sonlari.
- 2.5.Xasanov va boshqalar. Boshqaruv hisobi: nazariya va uslubiyot. /O'quv qo'llanma. – T.: Iqtisod-moliya, 2004.- 208 b.
- 2.6. Xasanov B.A., Boshqaruv hisobida byudjetlashtirish./O'quv qo'llanma- T: O'qituvchi. 2005.- 170 b.
- 2.7. Ochilov I.I. va boshq. Moliyaviy hisob-2./O'quv qo'llanma.-T.:TMI,2004.-260 b.
- 2.8. Qilicheva F.B. Korporativ boshqaruv tizimida boshqaruv hisobini takomillashtirish. –T.: O'zR Bank –moliya akademiyasi. Nom diss. 2009. -120 b.
- 2.9.Kondrakov N.P..Buxgalterskiy uchets: uchets posob. -5-ye izd., pererab. I dop. –M.: INFRA-M, 2010. -717s.

- 2.10. Karpova T.P., Karpova V.V. Buxgalterskiy uchet: uprajneniya, testi, resheniya i otveti: ucheb. Posob.-M.: INFRA-M, 2010.-328 s.
- 2.11. Kondrakov N.P, Kondrakov I.N. Buxgalterskiy uchet malix predpriyatiyax: ucheb. posob.-M.: Prospekt, 2010.-640 s.
- 2.12.Konstantinova YE.P. mejdunarodniye standarti finansovoy otchetnosti: ucheb. posob.-M.: Finansi i statistika, 2007.-272 s.
- 2.1 Kuzmena M.S. Uchet zatrat, kalkulirovaniye i byudjetirovaniye v otraslyax proizvodstvennoy sferi: ucheb. posob.-M.: KNORUS, 2010.- 248 s.

**Internet saytlari:**

[www. gaap.ru](http://www.gaap.ru) (Xalqaro buxgalteriya standartlar);  
[www.cip.com](http://www.cip.com) (Xalqaro Sertifikatli Buxgalter);  
[www. aicpa. org/](http://www.aicpa.org/) (American Institute of Certified Publik Accountants)\$  
[www/ buhgalt. ru](http://www.buhgalt.ru) («Buxgalterskiy uchet» jurnali ( RF));  
[http://www.nevod.ru./](http://www.nevod.ru/); [http://www. audit.-it.ru./](http://www.audit-it.ru/); [http://www. books/ bankir.ru./](http://www.books/bankir.ru/);  
[http://www. finanaliz. kitv.ua. /](http://www.finanaliz.kitv.ua/); [http://www. prieiskurant.ru.](http://www.prieiskurant.ru/); [http://www. books.listsoht.ru. . /](http://www.books.listsoht.ru.);  
[http://www.finctat.ru./](http://www.finctat.ru/) <http://www.iaa.org.uy.k> <http://www.accounting.com/>  
[://www.accounting.rutgars.edu](http://www.accounting.rutgers.edu) [.http://www.accountingweb.com](http://www.accountingweb.com)  
[.http://www.access-accounts.com](http://www.access-accounts.com)